



КОРРУПЦИЯГА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

Мирзаев Анвар Сатторалиевич

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21870475>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-avgust 2026 yil

Ma'qullandi: 04-avgust 2026 yil

Nashr qilindi: 06-avgust 2026 yil

KEY WORDS

коррупция, пора олиш, пора бериш, айбланувчи, жабрланувчи, оммавий ахборот воситалари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси турлари, амалга ошириш тартиби ва механизмлари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда нимага эътибор қаратиш лозимлиги каби масалалар ёритилган. Шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида фикрлар илгари сурилган.

Мамлакатимизда 2017 йил 3 январь куни «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида туб бурилиш ясади десак муболаға бўлмайди. Чунки, қонуннинг 5-моддасида белгиланган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларида асосан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасига урғу берилган. Хусусан, «давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш» ҳамда «коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш» алоҳида-алоҳида йўналиш тариқасида келтирилган.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга берилган таъриф ҳамда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлаш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш, олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт шароитларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасида қўлланиладиган ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизими тушунилади.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг 2-бобида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг иккита гуруҳи, яъни Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар тариқасида шакллантирилган.

Қонуннинг 7-моддасига кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлари қуйидагилар ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий

жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Эътиборли томони шундаки, коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар қаторига киритилмаган.

Бироқ қонун нормасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади, деган қоида мазмунига асосланиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар сафига қўшишимиз ўринли ҳисобланади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи субъектлар тариқасида эса қуйидагилар келтирилган: – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

– фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар.

Келтириб ўтилган шахслар тоифаси коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида профилактиканинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактик турининг объекти сифатида алоҳида-алоҳида ўзига хос тарзда ёндашишни талаб этади. Мисол учун, давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчилари ҳамда аҳолининг барча қатлами (фуқаролар) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси объекти саналса, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил ёки содир этган шахслар ҳамда давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисини пора эвазига оғдириб олишга мойил шахслар эса коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси объекти сифатида эътироф этилади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси деганда, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этишга доир фаолияти тушунилади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг чора тадбирлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш – Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат, ҳудудий ва соҳавий дастурларни ишлаб чиқиш ёки шундай дастурларга коруупцион ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чора-тадбирларни киритилишини ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш талаб этилади.

Ушбу дастурлар «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартиб-қоидаларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади;

2. *Ҳуқуқий тарғибот* – бу борада аҳоли ўртасида ҳуқуқий ҳамда қонунчилик тарғиботини алоҳида-алоҳида ташкил этиш ва таъминлаш лозим ҳисобланади. Олиб бориладиган ҳуқуқий тарғиботларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблар ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни содир этиш усули ва воситалари каби масалар ҳақида аҳолига маълумотлар берилса, қонунчилик тарғиботида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ҳақидаги маълумотларни ёритиш ҳамда аҳолига етказиш чоралари кўрилади;

3. *Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномаларни киритиш* – мазкур тақдимномалар мазмун жиҳатдан иккига бўлинади: бири, прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан бевосита шуғулланувчи субъектлар фаолиятида йўл қўйилаётган хатоликлар, камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан киритилса, иккинчиси, айнан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилган давлат органлари ва муассасаларига ёки юқори турувчи органларга ушбу ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этилишини таъминлаш мақсадида киритилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам тақдимнома талабларини бажариш мажбурияти юкланади, акс ҳолда маъмурий жавобгарлик таркиби келиб чиқади.

4. *Қонун ҳужжатларида ўрнатилган ҳолларда ва тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш* – ушбу тадбир айнан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бироқ экспертиза жараёнида қонун ҳужжатларининг бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлари билан алоқадорлиги, мослиги ва зид эмаслиги масаласига, реал ҳаётда ушбу қонун нормаларининг бажарилишини қай даражада таъминлаш имкониятининг мавжудлиги кабиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади;

5. *Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини сўрашни ташкил қилиш, коррупция мавзусини ёритишда махсус янги оммавий ахборот воситаларини яратиш* – мавжуд қонун ва қонуности ҳужжатлар орқали мунтазам равишда жамоатчилик фикрини сўраб, ўрганиб бориш механизмини яратиш лозим. Буни анкета сўровномалари, жаҳон Интернет

тармоғидаги сайдлар, чатлар, телевидение ва радиолардаги жонли ва очиқ мулоқотлар, аҳолидан келиб тушадиган хатлар орқали аниқлаб бориш мумкин;

6. *Қисқа метражли коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисидаги видеороликлар яратиш, телевидения орқали намойиш этиш* – ушбу ёндашув албатта ўз маҳсулини беради, чунки фуқароларнинг жуда кўп қисми севимли сериаллар, оммавий спорт ўйинлари (футбол, теннис, волейбол каби)ни томоша қилишга ишқибоз бўладилар. Айнан ушбу сериаллар орасида ёки сорт ўйинларидаги танаффус вақтларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларнинг жирканч оқибатларини ўзида ифодалаган қисқа метражли фильмлар, видеороликларни эфирга узатиш мақсадга мувофиқ;

7. *Телевидение орқали эса давлат органларининг коррупция билан курашишга бағишланган кундалик кўрсатувларни тайёрлаб, эфирга узатилишини таъминлаш* – бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг айнан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш зиммасига махсус вазифа сифатида юклатилган хизматлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни очиш ва айбдорларни фош этиш, уларнинг айбдорлигини исботлашга доир фаолияти юзасидан кўрсатувлар тайёрлаб, «Бир жиноят изидан», «Жиноят ва жазо» каби кўрсатувларда эфирга узатиб бориш ўзининг ижобий самарасини беради;

8. *Оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда ички ишлар органларининг коррупцияга қарши кураш натижалари тўғрисидаги ҳисобот билан чиқишларини ташкил этиш ва кўпайтириш* – оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда ички ишлар органларининг коррупцияга қарши кураш натижалари тўғрисидаги ҳисобот билан чиқишларини эса фақат қонун билан ёки ҳукумат қарори билангина йўлга қўйиш ва тартибга солиш мумкин. Бунинг учун қонун ижодкорлиги соҳасини янада ривожлантириш, энг аввало, «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш талаб этилади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши жамият ва давлат ривожини янги бир босқичга олиб чиқиш имконини беради;

9. *Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларнинг илмий тадқиқотини ташкиллаштириш ва амалга ошириш* – бунинг учун жамиятда коррупцияга қарши курашувчи давлат органлари ва муассасалари томонидан илмий тадқиқот муассасаларига буюртмалар бериш асосида илмий тадқиқотлар амалга оширилишини таъминлаш лозим. Ҳолбуки, илмий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалиётга кенг татбиқ этиш ўз самарасини беради;

10. *Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида аҳолининг фаол иштирок этишини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш* – нафақат коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, балки барча ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда аҳолининг фаоллигини оширишга қаратилган механизмни яратиш лозим ҳисобланади. Бу борада бевосита коррупциявий ҳолатлар, коррупционерлар ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиб, қидирувда бўлган шахслар ҳақида маълумот беган шахсларни рағбатлантириш чора-тадбирларини самарали ташкил этиш ўзининг ижобий самарасини беради;

11. *Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва амалиётга жорий этиш* – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва амалиётга жорий этишда аҳолининг миллий менталитети, урф-одатлари ва қадриятлар тизимини эътиборга олиш лозим. Ушбу хусусиятларни эътиборга олмасдан жорий этилган ҳар қандай халқаро тажриба ўзини оқламайди.

1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда эътиборни фақат ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этувчи ҳамда содир этишга мойиллар, шунингдек улардан жабрланувчиларнинг шасхини ўрганиш ва улар билан якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этишга эмас, балки давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олишга мойил, пора бериш жиноятини содир этган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган ёки бундай қилмишларни содир этишга мойил шахсларга ҳам қаратиш лозим ҳисобланади. Чунки, бундай шахсларнинг мавжудлиги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитлар сифатида гавдаланиши мумкин.

